



Hurriyat

Mustaqil gazeta

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

“Жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, очкилик ва ошкоралик тамойилларини чуқур қарор топтириш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатish бўйича бошлаган ишларимиз орта кайтмас тус олганини яна бир бор таъкидламоқчиман”.

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)

Gazeta 1996-yil dekabrдан chiqa boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2020-yil 9-sentabr, chorshanba * № 31 (1195)

КИТОБЛАР “ҚАМОҚ”ДАН ЧИҚАРИЛДИ



Лекин ўтган бир йиллик азоб менга қанча маънавий ва моддий зарар келтирди, буни бир мен ва Худо билади. Мухими, адолат қарор топди. Дилимни эзган гам қоронғилиги ўрнини севинч куёши нурлари забт этди. Адолат тантана қилишининг ўзи “салла деса, қалла келтирадиганлар”га муносиб жазо, деб уйлайман.

⇒ 2-бет

ЭРКИН СЎЗГА ВА ЭРКИН СЎЗЛИГА ТАҲДИД



Саховатпеша ватандошларимиз ҳақидаги бадий асарлар, очерк ва лавҳаларни ОАВда бериш мақсадга мувофиқ бўлар балки. Ҳисобот учун, далолатнома учун суратга олиш учун эса, албатта, фуқаро розилиги керак. Устига-устак бу ишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, фуқаро ориятини инobatга олиш зарур.

⇒ 4-бет

“...КИ СЕН ҲАМ ҲУР ТУҒУЛҒОНСЕН”




... Бешиқларида она алласи билан улғайган ўғлонлар вояга етган муқаддас туПРОК, куёш янглиг ширмой нонлар тобланган тандири-ю, қўлларида кетмон, белбоғида бир бурда нони билан авайлаб, серҳосилер — боболардан қолган омонатни асраш, келажак авлодга бекаму кўст етказиш ҳам фарз, ҳам қарзимиз.

⇒ 8-бет

АБИТУРИЕНТ — 2020

Билимдонлар майдонда синалар

Жорий йилнинг 2 сентябрь куни бошланган тест синавлари айни кунларда қизгин давом этмоқда. Жараёнлар ДТМ сайтида, ОАВда ва ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилиняпти.



Айни пайтда республикаимиз олий таълим муассасаларига кириш учун 64 та объект, яъни 47 та стадион ва 17 та хиббонда имтиҳонлар ўтказилаяпти. Жами рўйхатдан ўтган абитуриентлар сони 1 миллион 303 минг 409 нафар. Бир ҳафталик маълумотларга кўра, улардан 567 минг 148 нафари тест синавларида иштирок этган (43,5 фоиз) бўлса, 36 минг 970 нафар абитуриент эса жараёнда қатнашмаган (2,8 фоиз). Ҳали имтиҳонга кирмаган абитуриентлар сони эса 699 минг 321 нафар (53,7 фоиз) ни ташкил этади.

Ислом Қўчқоров — абитуриент: “Иккинчи йил имтиҳон топширишим. Ўтган йили худди шу пайтда Тошкент стоматология институтига ҳужжат топшириб, тестдан “йиқилиб”, тушкунликка тушиб қолдим. Аммо бу ҳолат кўлга чўзилмади, теъдда ўзимни қўлга олдим ва қайтадан тайёрлана бошладим. Велосипедим билан қишнинг қаратонию ёзининг саратониди “репетитор”га қатнадим. Одамлар гап-сўзи, ичимдаги “галаён”,

эҳ-ҳе, ўзимдан ўтгани ўзимга аён. Бу йил гўё саволлар осон тузилгандек, уларнинг кўли 2018-2019 йил вариантдан тушган. Бир соатга ҳам бормасдан тестимни ишладим. Меҳнатларим, уйқусиз тунларим, ҳаракатларим самара берди, деб уйлайман. Айни кунда 60 та саволдан битта хато қилиб, 185,9 балл тўллабман. Ҳаяжонларим чексиз”.

Азиз Хўжаев — абитуриент: “Имтиҳоним 12 сентябрда бўлади. Унгача жараёнларни кузатайман. Мен топширган математика йўналишида саволлар кундан-кун қийинлашаётгандай, назаримда. Қаердан билдинг, дейсизми, кунлик тушаётган саволлар интернетда тарқаяпти. Уларнинг даражасини китоб кўрган одам дарров сезади. Менимча, бу тизим хато. Агар ҳар бир йўналиш бўйича барча ҳудудларда имтиҳон фақат бир кунга белгиланганидами, ҳозир бунақа машмашалар бўлмасди...”



ЮЗМА-ЮЗ

Мавлон УМУРЗОҚОВ:

“СИЁСАТЧИ ҲАМ РОМАНТИК БЎЛМОҒИ КЕРАК”

Адолат ҳақида фикр юрита туриб ёзувчилардан бири уни “дунё устидан ўтгувчи дор”га қийслаган. Унда юргандан кўра у ҳақда ҳаёли сурган афзалроқ дейди. Дарҳақиқат, адолатсизликка, ҳақсизликка учраган одам адолат ҳақида ана шундай ўйга бориши табиий. Биз Биринчи Президентнинг собиқ Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов билан унинг ҳаёт йўллари ҳақида суҳбатлашар эканмиз, тўхмат ва фитнанинг, ноҳақлик ва иғвонинг йўли барибир боши берк кўчада эканлигига амин бўлдик. Марҳамат, сизни суҳбатдошимиз билан юзма-юз қолдирамиз.



- Ватаниннинг “олтин хазина”си
- Сиёсатчиға қарши ишлаган фитна ва тўхмат “машина”си...
- Давлат маслаҳатчисидан сиёсий маҳбусгача...
- Собиқ Давлат маслаҳатчисининг топилмаган тиллалари...
- Халқ шоридан ечиб олинган тақинчоқлар...

— Мавлон ака, мана Ватанимиз Мустақил бўлганига 29 йил тўлди. Бу ўз-ўзидан бўлмаган, албатта. Мустақиллик қабул қилинган палларда сиз давлат маҳкамасида нуфузли лавозимда ишлагансиз. Янги давлат барпо этишининг ўзи бўлмаган бўлса керак?

— Мустақиллик афсонавий тортик сифатида осмондан тушмаган. Аслини олганда собиқ СССР деб аталмиш империя 1970 йиллар охири 1980 йиллар бошида сиёсий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан инқирозга юз тута бошлаган эди. Уша йиллардаги турғунлик нафақат иқтисодда, балки мафкурада, одамлар орасидаги муносабатда кўринарди. Элга ва ватанига эмас, ўз бошлиғига сарфоти боис танланган кадрларнинг хато ва камчиликлари урчиган ва бунинг оқибатида КПСС деган “машина” юришдан чарчаган эди. Шунинг ба-

робрарида унга тобе мамлакатлар ва аҳолининг ҳам сабр қосаси тўлган бир палла эди. “Қайта қуриш” дегани билан унинг аниқ бир стратегияси йўқ, ошкоралик деб жуда кўп корхона ва ташкилотларни тартибдан чиқариб юборган Москванинг бошқарув қобиляти аллақачон кома ҳолатига келаётганлиги аниқ бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси СССРнинг парчаланишига ва мустақилликка эришишга қулай вазият яратган эди. Натижада мамлакатимиз собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчи бўлиб, ўз мустақиллигини эълон қилди ва 1991 йил 1 сентябрь — Мустақиллик куни деб эълон қилинди. Бу албатта, жуда қувончли тарихий ҳодиса. Бироқ ана шу лаҳзадан бошлаб бизнинг, айниқса, давлат тепасида турган ҳар бир мутасаддиларнинг елкасига жуда катта масъулият юкланди.



ХОЛИС ФИКР

МАТБУОТ ЎЗ ЁЛҒОНЛАРИНИНГ ҚУРБОНИ БЎЛДИ...МИ?



Нега? Ушбу саволни инсон тафаккурининг қайроғи деб ҳисоблайман. Одамзоғи бугунги ютуқларига шу саволга жавоб ахтариш натижасида эришган бўлса ажабмас. Онгимиз “нега”ларнинг маконига айланиб, унга жавоб ахтариш фитратимизга сингиб кетган. Менинг ҳам фикратимда “Бугун ёшлар нега газета ўқишмаяпти?” деган савол кўпдан бунинг тинчлик бермаяпти. Шу масалада телеграм тармоғининг асосий қисмини ёшлар ташкил этадиган йирик гуруҳларида ижтимоий сўровнома ўтказишга қарор қилдик.

Ушбу сўровномага юздан зиёд жавоблар келиб тушди. Қуйида “жони бор” деб ҳисоблаганларимиздан бир нечасини эътиборингизга ҳавола этамиз ва ундан сўнг мулоҳазаларни хулосалаймиз. (Жавоб йўлловчилар ижтимоий тармоқдаги номлари билан берилди).

Somebody: — Янгиликларни газеталар майли, телевиденидан ҳам аввалроқ интернет орқали билиб олиш мумкин. Аввалда газеталар асосан янгиликлардан бохабар бўлиш учун ўқилган, энди бунинг ўрнини интернет босаяпти. Менимча, газета ўқимайдиганларга мажбурлаб ўқитиш мушкул. Балки, интернетдан топиш қийин бўлган маълумотлар газеталарда бўлса, қизиқишлар ортар, эҳтимол.

O.G: — Давлат газеталарида, асосан,

расмий характердаги материаллар берилади ва улар фақатгина маълум ихтисосликдаги кишилар учун керак. Оммага эса бу қизиқарсиз. Балки газеталарда статистик маълумотлар кўплиги учун ўқишли эмасдир. Қолаверса, улардаги айрим маълумотлар ҳақиқатдан йироқ.

Газеталарда босилган маълумотлар олдин интернетда берилган бўлади ва одамлар ўзи билган нарса ҳақида қайта ўқишни, табиийки, хоҳламайди, пул ҳам сарфламайди.

Gulnora: — Менимча, газета ва журналларда халқ тили йўқолган. Ижодкор ёшлар адабий газеталарни ўқишади. Ёшлар қатлами учун ихтисослашган нашр ҳам бўлиши керак. Масалан, янги таржималар, таърихий санъатга оид, техника ва кашфиётлар ҳақида, бирор нарсани ўрганиш мумкин

бўлган даврий нашрлар. Мен бундай газеталарни рус тилидагисини биламан, холос. Матбуот, эҳтимол, электрон сотувга кўпроқ ургу бериши керакдир. Дизайини креативлаштириш лозим. Масалан, сўнгги пайтларда айрим нашрлар расмий сайтидаги маълумотларнинг QR кодини бераётганини кўраяпмиз. Яна бир масала, газетанинг электрон иловаси бўлиши зарур.

M.Nazarov: — Кўпчилик “Газета ўқишининг сустиглига сабаб — интернет”, дейётгандир. Аммо мен бунга қўшилмайман. Очиги, аксарият, маҳаллий (туман, вилоят) нашрларнинг савияси паст. Газеталар ўз ёлғонларига қурбон бўлди. Матбуот алдаши ёки миш-миш тарқатиши эмас, одамларни уйғотиши керак!



АЙТГАНЧА

ГУРВАК КУРМАККА АЙЛАНМАСИН

ёки Вамбери мақтаган Хоразм қовунлари қани?

Жорий йилнинг 4 сентябрида “Sevimli” каналнинг “Zamon” информацион дастури бир хушхабарни эълон қилди. Ўзбекистон қовунларининг қилоси Дания бозорларида икки евродан сотилаётган экан. Кимлардир мазкур ёзуваларни кўзининг қири билан ўқигандир. Аммо бу таъриф қовунчилик тарғиботи ила шуғулланаётган каминга қаттиқ таъсир қилди. Зотан, пахта “Оқ олтин” мақомиди қўлларга кўтарилмаётган даврларда асални ортада қолдирадиган қовунларимизга ўғай нигоҳлар ила қаралган эди. Хусусан, қадимда Хоразм қовунларининг шоҳи саналган, венгер олими Ҳерман Вамбери мақтаган гурвак курмакка айланиб қолганди. (Курмак деганимиз — майда-чўйда маҳсулот).



ШУНДАЙ ДЕДИ



Эркин ГАДОЕВ, Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси:

Давлат бюджетининг ижроси 2020 йилнинг 6 ойлик якунлари бўйича 58,2 трлн. сўмни ташкил қилмоқда. Бу — 2020 йил учун ажратилган бюджетнинг 45,3 фоизини ташкил қилади. Утган йилнинг 6 ойи билан солиштирилганда, маблағ тушириш кўрсаткичлари 15 фоизга ошганини кўриш мумкин. Бу яхши кўрсаткич. Бундан келиб чиқадиги, йилни муваффақиятли якунлаш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун ички имкониятлардан тўла самарали фойдаланиш тақозо этилади.

Манба: kuz.uz

ХУҚУҚ

Одил судловда шаффофлик бўлмаса...

ҳақиқат ва адолат тамойилига ҳеч ким ишонмайди

Демократик ислохотлар тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови бўлиб, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кадрини эъозлаш очик, эркин ва адолатли жамиятнинг бош мезони.



Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган 20 дан ортиқ қонун, Президент Фармон ва Қарорлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар билан суд ҳокимиятининг чинаяк мустақиллигини ва нуфузини янада ошириш, судьяларнинг иш юритишини шаффофлаштириш, тизимни ислоҳ қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Жумладан, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 июлда "Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон билан 2021 йил 1 январдан вилоятлар миқёсидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар негизда, судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда, ягона умумюрисдикция судлари ташкил этилади. Вилоят судлари тузилмасига бундай ўзгариш киритилаётгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, уларнинг судга мувожаат этиш имкониятларини янада кучайтиради.

Чунки, вилоят судларининг амалдаги тузилмаси айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Суднинг мустақиллиги, одил судлов сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Сабаби, мамлакатимизда жинсий, фуқаролик ва иқтисодий судларнинг алоҳида-алоҳида фаолият юритиши, бир-биридан мустақил иш кўриши фуқароларнинг у суддан бу судга қатнаб, сарсон-саргардон бўлишига сабаб бўлмоқда.

Бу ўз навбатида, жойларда турли хил норозиликларни келтириб чиқарди. Мазлумотларга қараганда, биргина 2019 йилнинг ўзига 58 мингдан ортиқ фуқаролар судлардаги овозгарчиликларга нисбатан ўз эътирозини билдирган. Бизда, мубай бирор қонун нормаси судлар томонидан турлича таъкид қилинади. Бу суд қарорлари сифати ва таъсир қилмоқда. Урта бўғин умумий юрисдикция судларининг алоҳида фаолият юритишига ҳам эътибор қаратилади.

Нега деганда, Франция, Италия, Канада, Жанубий Корея, Қозғоғистон, Беларусь ва бошқа давлатларда ўрта бўғин умумюрисдикция судлари фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича ягона суд сифатида муваффақият билан фаолият юритиб келмоқда. Хорижий илгор тажрибасини ўрганиш, амалда қўллаш фойдасидан бўлмайди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш, халқаро майдонда обрў-эътиборини сақлаш

тимиз Фармонига кўра, 2021 йил 1 январдан туман (шаҳар) маъмурий судлари мақбуллаштирилиб, уларнинг негизда вилоят марказларида 14 та туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади. Фармонга мувофиқ, суд тизимига 2021 йил 1 январдан бошлаб ортиқча суд бошқичларини бекор қилиш орқали «бир суд — бир инстанция» тамойили жорий этилмоқда. «Бир суд — бир инстанция» тамойили халқаро тажрибада синалган, умумэтироф этилган энг мақбул суд тизими ҳисобланади. Бу тамойилга кўра, суд юритишига келиб тушган ҳар қандай иш уч бошқичда якунига етади.

Шу ўринда, Президентимизнинг судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишига таъсир ўтказувчи барча омилларни, жумладан, Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарларининг суд ҳужжатларини устидан назорат тартибда протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисидаги таклифи ҳам жуда тўғри. Умуман айтганда, суд мустақиллигини амалда таъминлаш, одил судлов сифатини ошириш ҳақида гап кетганда, Фармонга кўра, прокурорнинг айрим ҳуқуқлари чекланмоқда. Эндиликда прокурор суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори бўйича ишларни фақат ушбу ишлар юзасидан тарафлар мувожаат этган тақдирда, суддан қақиб олиб, ўрганиши мумкин бўлади. Бошқа ҳолларда прокурор ишларни қақиб олишга ҳақли эмас. Шу билан бирга, прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришидаги иштироки ҳам қатъий чегараланади. Агар бу ишлар бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган бўлса, қонунда назарда тутилган истиснолардан ташқари, прокурор ўз ташаббуси билан бу ишларни кўришда қатнаша олмайди.

Бошқача айтганда, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ўртасидаги низоларни ҳал этишда прокурорнинг иштироки истисно этилади. Фармон билан жорий этилаётган яна бир янгилик шундан иборатки, жиноят ишини кўришда янги институт — дастлабки эшитув бошқичини киритилиши жиноят ишининг кўриб чиқилишига тўқинлик қилмайдиган омилларни тез аниқлаш ва бар-

тараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш бошқичида иш юзасидан қарорларни торттишув тамойили асосида тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибининг белгиланиши ҳам одил судлов одамларнинг кўз ўнгига, очик-ошкора, шаффоф тарзда амалга оширилишига ва адолат қарор топишига хизмат қилади. Фармонда Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби тузиш белгиланган. Илгари бизда бундай судлов таркиби бўлмаган.

Авалло шунга айтиш керакки, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини янада ошириш, чет эл ва маҳаллий инвестор ва инвестицияларини янада кўпроқ жалб этиш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида Олий суд тизимига ихтисослаштирилган Судлов таркиби ташкил этилади ва унинг зиммасига йирик инвесторларнинг (20 миллион доллардан кўп инвестиция киритган) ва давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклатилади.

Эндиликда йирик инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, Бевосита Олий суд Судлов таркибида ёки умумий тартибда вилоят судларига мувожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бошқа инвесторлар эса, ўз хоҳишига кўра, бевосита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судига ёки умумий тартибда туманлараро иқтисодий судларга мувожаат қилиши мумкин.

Инвестициявий низолар бўйича судлов таркибининг ташкил этилиши натижасида инвесторлар ўз низоларини ҳал қилиш учун турли суд инстанциялари ўртасида 5-6 ойлаб сарсон бўлиб юришининг олди олинади ва уларнинг барча муаммолари битта суд доирасида ҳал қилиниши таъминланади. Бундай кафолатли суд ҳимояси чет эллик инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш орқали мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлиги янада ошишини таъминлайди. Судлар фаолиятида замонавий ахборот технологияларни кенг жорий этиш судларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг судларга мувожаат қилиш имкониятларини кенгайтиришда ўта муҳим ўрин тутди. Шу қунларда Фармон талабидан келиб чиқиб, судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини янада кенроқ жорий этиш бўйича махсус Дастур ишлаб чиқилмоқда.

Шоҳида МУРОДУЛЛАЕВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди судьяси.
Бехзод ЖўРАЕВ,
Пайарик туманлараро иқтисодий суди судьяси.

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Маргилон шаҳридаги ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Едорлик" корхонасини толиб бориш қийин эмас. Фарғонача услубда ишланган нақшанкор ёғоч эшиклар бу ерга киришни истовчилар учун доим очик. Маҳаллий ва хорижий сайёҳларни, кўпинча корхона раҳбари Аъзамжон Абдуллаевнинг ўзи кутиб олади, корхонаси ҳақида эринмасдан гапириб беради...



УСТА

Унинг бололиги Маргилоннинг шоҳи ипак жилоси, гўзал нақш-нигорларга тўла хонадонда ўтди. Отаси Абдураззоққўжа, бобоси Иброҳимқўжа қўлларига нафис матога айланган толанинг кўз илгамас синаотини англашга уринаётган бола келажакда ўзи ҳам ипак матоларнинг янги нусхаларини кашф этиши, уни бутун дунёга кўз-кўз қила олиши ҳақида орзу қилгани аниқ. Зотан, унинг қонига хунарга муҳаббат туйғуси бобомерос, туманеросдир. Уша кезлардаёқ камалакранг либосда товланиб отан шойи, адрасу атлас ва баҳмалларнинг яратилиш жараёни, бошқача қилиб айтганда, ипакларнинг мумтоз қўшиги ёш хунармандни бир умрга ўзига боғлади, унинг бутун ҳаёти ипакчилик билан ҳамнафас бўлди.

— 1992 йилдан корхонамиз мустақил фаолият кўрсата бошлади. — дейди моҳир уста Аъзамжон Абдуллаев. — Ўтган давр мобайнида ипак матоларнинг янги-янги нусхалари кашф этилди. Заргарлик буюмлари тасвирдан нусха кўчириш анъанаси кенг қўлланилди. "Сирга", "Зебигардон", "Қашқар балдоқ", "Тумор" каби янгиланган нусхалар фақат "Едорлик"ка хос нақш-нигорлардир. Миллий матоларимиздаги мумтоз нақшларга хайрат билан боқаятган сайёҳлар миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган янги нусхаларни ҳам алоҳида қизиқиш билан кузатишади.

Корхонанинг шоҳи ипакдан тайёрланган юздан ортиқ турдаги махсулотлари қўллаб-қувватланади. Осим мамлакатларда, ҳатто Жанубий Америкада ҳам харидорини топган. Россия, Англия, Япония, Германия, Италия, Хитой сингари ривожланган давлатларда айнан экологик тоза махсулот сифатида эътибор элган. Бугун корхонада 250 нафардан зиёд уста-хунармандлар меҳнат қилишиб, чинакам санъат асарларини яратишмоқда.

"Едорлик" аслида ишлаб чиқариш корхонасигина эмас, балки музей-корхонадир. Ишлаб чиқаришнинг барча бошқичлари — пилла толасидан тайёр мато олишдан тортиб, ипак гилам тўқишгача бўлган жараёнлар Маргилонда сақланиб қолган қадимий хунармандчилик анъаналарига мос келади. Шунинг учун ҳам сайёҳлар уларга ҳақиқий музей экспонатига қарагандек қарайди.

Ҳозирда "Едорлик" ҳовлисидан ўзига янги миллий меҳмонхона қад ростилапти. 30 нафар сайёҳга хизмат қилувчи шинам йоналардаги миллий диванга хайратли ўзбек хонадонини эслатади.

Уста-хунарманд Аъзамжон Абдуллаев 2006 йилда Қорақалпоғистоннинг Эпиккальға тумани ёшларига тўқувчилик, гиламдўзлик хунарини ўргатиб қайтди. Туманда тўқувчилик цехини ташкиллашга кумак берди. Ушунда "Едорлик" мактабини ўтаган Эпиккальға ёшлари ҳозир кичик цехни катта корхонага айлантиришган. Яқинда Қашқадарё вилоятининг Яқабоб туманидан 20 нафардан зиёд ёшлар корхонада хунар сирларини ўзлаштиришди.

Устанинг ўғли Афзалхон Абдуллаев Тошкент тўқимачилик институтини тамомлаб, отаси билан ёнма-ён меҳнат қилмоқда. Ишонимизки, уста-хунарманд оила аъзолари билан узоқ йиллар ўзбек ипакчилик санъати ривож учун ҳизмат қилади. Зеро, хунарга муҳаббатли, миллий қадриятларга содақатли кишилар бор экан, ипакларнинг мумтоз қўшиги ҳам тинмайди.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА.

ОЙНА

Китоблар "қамок"дан чиқарилади

Яқинда оламдан ўтган, иқтидорли журналист Курбон Эшмат билан унинг ўлимидан 10-15 кун олдин телефрон орқали боғланганим, менинг асарларим ҳақида ёзаж мақоласининг сарлаҳасини айнан "ОЛИМ БУРИ СУДЛАМАДИ, МАЪНАВИЯТ СУДЛАДИ..." деб бошлаганини айтганди. Афсус, мақолани ўзи охирига етказолмади. Бўлиб ўтган воқеани эса ўзим қаламага олишга жазм этдим.
Азиз биродаримизни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин.

2020 йил январь ойида Тошкент шаҳар Юнусобод туман маъмурий суди мажлисида судья С.Қўчқоров раислигида кўриб чиқилган иш юзасидан қилинган ҳулосада шундай дейилади: "Аниқланди. О.Бўриев 2016 йил февраль ойида "Билим ва интеллектуал" нашриёт вақтинча иш бошқарувчиси И.Абдуллаев ва бошқалар билан бирга диний китобларни чиқаришга лицензия бўлмади туриб, диний мазмундаги "Икки аср ижоди" китобини қонунга хилоф равишда чоп этишади. Шунингдек, О.Бўриев 2017 йил охири 2018 йил бошида Гафур Ғулом номидаги нашриёт раҳбари Т.Қўйилев билан бирга лицензия бўлмаган ҳолда "Шоҳнома" номи диний китобни чиқаришди. 2018 йилда яна лицензия бўлмаганда, "Икки аср ижоди" диний китобини чиқаришди. 2019 йилда эса "Камалак пресс" нашриётида "Маснавийи нур" диний китобини чоп этишади".

Ҳазрат Низомий: "Келур олтимиш толурсан ўлтиришдан, етар етмиш чиқар аъзойиш ишдан ва гар юз йил яша, бир кун ҳаётдан кетурсан ушбу дилбар қонотдан", деган экан. Инсон фарзанди бу дунёда омонат, вақтинча эканлигини англашиб, дилга тақсин беради Низомий ҳазратлари охирати эсдан чиқармаслик, бирова зулм қилмаслик, яхшилик қилишга ундайди. Бирок халқнинг маънавий мулкни бўлиб қилиш эҳтимоли бор китоблар устидан чавқув ёзуви уюштириб, йўқ қилиш пайида бўлган шахслар орамизда борлигидан ачинасан киши.

Менинг китобларимга қўйилган айб қараз нијати кишиларнинг иши бўлди. Бахтимизга тузум ўзгарди, Шавкат Мирзиёевдек адолатли Юртбошимиз Ўзбекистонни янгитдан тараққий эттириш борасида очиклик ва ошқораликни бош мақсад қилди.

Президентимиз шаффофликни таъминлашга қаратган эътибори сабаб Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий маркази раҳбари Акмал Саидов Олий судга ишончли ва асосли ҳулоса берди. Шундан сўнг, туну кун қилган меҳнатимиз аъзаига озога келган тўрт китобим бироз кечикиб бўлса-да ерулик кўрди. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳаётида судья Ш.Саидов раислигида қайтадан кўриб чиқилди. Китобларнинг ёзилишдан тортиб, нашриётларда чоп этилиши жараёни ўрганилди.

Ачинарли томони, ўз вақтида ушбу масала юзасидан маъмурий суд томонидан диний ташкилотларга мутасаддиларнинг экспертиза ҳулосасини олишга юборилган сўровнома натижасиз қолгани бўлди.


Аслида "Шоҳнома" давлат буюртмаси бўлиб, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт университети ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсия хати билан чоп этилганди.

Мен китобларим олиб кетилгандан сўнг қўллаб тегилли идораларга мувожаат қилдим, наф бермади. Иттифоқ, Юртбошимиз Акмал Саидов номзодини Олий Махлис Қонунчилик палатаси раисининг биринчи ўринбосарлигига тавсия этаётди: "Акмал Холматович Инсон ҳуқуқлари бўйича қўллаб фуқароларга ердан берди", деган гапи ёдимда қолганди. Яқини нијат билан, таваккал қилиб, ҳузурига бордим. Аллоҳ ишимни осон қилди. Масалага у киши оидкилик киритди.

Агар аввалроқ соҳага дахлдор идора ва ташкилотлар ҳам бу борада озгина эътибор қаратишганда эди, мен бунча сарсон бўлмадим. Ўзбекистонда адо-

лат устувор, лекин ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш осон эмас, дегани ростга ўхшади.

Истиқлолнинг янги поғонасида, янгиланаётган Ўзбекистон асосида турибмиз. Ҳали ҳеч бир халқ раҳбари Президентимизчалик ўз ватандошларини китобхонликка тарғиб қилмаган эди. Устоз ҳазрат Абдурахмон Жомий: "Китобхонлик бу оламда саодат, китобхонликни доим айла одад", деганлар. Давлатимиз раҳбарининг китобхонликка эътиборидан илҳом олиб, шахсий жамгарам ва обуна қилиш йўли билан Низомий Ганжавийнинг "Хамса" асарини ҳам таваккал қилиб, чоп этиришга журъат қилдим.



Олимжон БЎРИЕВ.

Президентимизнинг "Одамлар эртага эмас, узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшашни истайди", деган сўзлари бугун ҳар бир соҳада, ҳар бир тизимда ўз аксини топмоқда. Инчунун, АТБ "Туронбанк" тизимида ҳам. Банкка умид билан кирган ҳар бир мижоз хурсанд бўлиб чиқиб кетади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг чекка ҳудуди Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманидаги тадбиркорлар фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда.



ОРОЛНИНГ ТУГАНМАС МЎЪЖИЗАЛАРИ

АТБ "Туронбанк" кўмагида 7 долларлик "артемиялар" 15 доллардан экспорт қилинади!

КЕСКИН КОНТИНЕНТАЛЬ ИКЛИМ

Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбида, Амударёнинг қуйи қисми, Орол денгизининг жанубий соҳилида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг бетакрор мўъжизаларига эга. Унинг кескин континенталь иқлими, ёввойи табиати ва шунга мутаносиб одамларнинг феъл-атвори — ҳар бири бир олам.

Қорақум саҳросига туташиб кетган минтақанинг яшаш майдонлари одамнинг руҳиятига ўзгача бир сокинлик бахш этади. Унинг шимолий-ғарбида Устурт паст текислиги, шимолий-шарқий томонида эса Қизилқум саҳроси ястаниб ётибди. Қорақалпоғистоннинг умумий ер майдони 166,6 минг квадрат километрдан иборат бўлиб, ҳудуднинг катталиги бўйича мамлакатимиз вилоятлари ўртасида биринчи ўринда туради. Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари билан чегарадош. Унинг маъмурий-ҳудудий тузилмасига Амударё, Беруний, Қораўзақ, Кегейли, Кўнғирот, Қонликўл, Мўйноқ, Нукус, Тахтакўпир, Тўртқўл, Хўжайли, Тахиташ, Чимбой, Шуманой, Эллиқалъа туманлари ва Нукус шаҳри кирди.

МЎЙНОҚДА ВАРАКЛАНАЁТГАН ТАРИХ

Бир вақтлар Орол денгизи билан дунёга донги кетган, кейинги қарийб ярим аср мобайнида эса умуман эътибордан четда қилиб қолган ўлка Мўйноқ ва у ерда қилинаётган эзгу ишлар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Мўйноқ номи эшитган одамлар тасаввурда гўёки ер юзининг нариги чеккаси тушунилади, Мўйноқ гўёки Борса келмас оролчасининг эгизгадек хаёлга борилади.

Бир пайтлар ёши катталар Кўнғиротдан Мўйноққа йўлда биронта автомашина учратишини қийин деб айтишар эди. Бугун-чи, бугун Нукусдан Мўйноққа бўлган йўлда транспорт қатнови бир лаҳза бўлсин тўхтамайди. 2015 йилда туман маркази кўчаларида фақат конденсат газ билан юрадиган мотоцикл ва "Москвич"ларни кўрган бўлсангиз, ҳозирда замонавий йўлланамас автомашиналарни эҳтимол, бошқа туманларда кўра олмасиз, лекин Мўйноқда бисёр.

Бу ерга биринчи марта келишим, бироқ шунга айтишим мумкинки, ўзига оҳанрабодек ром қилаётган ўлканинг сеҳри бошқача экан. Кенг саҳролик одамга қандайдир ўзгача куч бағишлайди. Кўнғиротдан ўтгандан кейин ана шу ҳис-туғу вужудингизни эгалаб олади. Бир вақтлар денгиз бўлган жойларга келганингизда хаёлингиздан кўп нарсалар кечади. Тарих саҳифалари кўз олдингизда бир-бир варақланаётганга ўхшайди.

КЎЗ ИЛГАМАС ҲАКИКАТЛАР

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар, яратилаётган имкониятлар Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий тармоқлари, саноат, қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларининг жадал ривожига хизмат қилмоқда. Айни вақтда ялли ҳудудий маҳсулотнинг қарийб ярми, ҳудудий экспортнинг 75 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келаяпти. Иш билан банд бўлган аҳо-


лининг 75 фоизи ҳам айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда. Буларнинг натижаси эса бизни ҳар қадамда хурсанд этмоқда. Мухими, янгилик қиламан, яратаман деган одамнинг қадамлари тезроқ умноқда. Ҳаётнинг кўз илғаб ва илғаман ҳақиқатлари бизни тобора кўзлаганимиздан баландроқ чўққиларга чорламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги "Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида атиги 32 минг аҳолиси бор битта туман учун 1 триллион 485 миллиард 176 миллион сўм маблағ ажратилди (бунақаси ҳали Ўзбекистоннинг бошқа ҳеч бир ҳудудда бўлмаган) ва ўтган йилнинг ўзида қатор объектлар қурилди, реконструкция қилинди, капитал таъмирланди ва фойдаланишга топширилди. Янги ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий корхоналар қад ростлади. Энг муҳими, бугун одамларнинг ҳаётга, эртанги кунга бўлган қарашлари кескин таҳрир қилинди.

КОРХОНА КЎШМА, МУВАФФАҚИЯТЛАР ЭСА...

Чет эл билан ҳамкорликда очилган кўшма корхоналарнинг шу чекка ҳудудларга етиб боришининг ўзи мўъжиза. Бунинг мисоли сифатида ҳудуднинг экспорт ҳажми ортишига салмоқли ҳисса қўшиб келаятган Мўйноқдаги "Jasmine gold group" Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонасини келтиришимиз мумкин. Тўғри, корхона кўшма бўлиши мумкин, бироқ унинг эришаётган муваффақияти ва ютуқлари алоҳида-алоҳида.

— Йилга бир миллион долларлик экспортни амалга оширмоқдамиз, асосий харидоримиз Хитой ва Россия давлатлари бўлиб, хомашёнинг килограмми 7 доллар атрофида баҳоланмоқда, — дейди "Jasmine gold group" Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонаси



иш юритувчиси Омонйўл Мамбетов. Бундай нархдан ҳайрон бўлиб, маҳсулот тури билан қизиқганимизда "Оролдан олинади, артемия цистаси", деган жавобни эшитдик. Шунга айтиш керакки, Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида сўз борганда каттаю кичик — кўпчиликнинг кўз ўнгига Орол денгизи келади. Маҳаллий аҳоли, айниқса, катта авлод вакиллари Орол сир-синоати, ундаги йирик балиқ турлари, ҳатто акулалар ҳақида соатлаб ҳикоя қилиши мумкин. Оролнинг катта қисми қуриган бўлса-да, қолган қисмидаги мўъжизалар мамлакатимиз учун фойда келтиришда давом этмоқда.

УЧТА КЎЗЛИ АРТЕМИЯЛАР

Сувда яшаётган артемиялар, уларнинг аҳамияти, нима мақсадларда қўлланилиши ва "Туронбанк"нинг бу борадаги лойиҳаси билан яқиндан



танишдик. Артемиялар учта кўзли ва 11 жуфт оёқли бўлиб, 15 миллиметр-гача ўсиши мумкин экан. Уларнинг қонида худди умуртқали ҳайвонлар сингари гемоглобин мавжуд бўларкан. Артемиялар аслида сайёрамизнинг деярли барча бурчакларидаги шўр кўллари, денгизлар ва дарёларда яшовчи қисқичбақасимонлар оиласига кирди.

Артемия тухумларининг қимматли хусусияти — бу юқори протеин миқдори ва етарли миқдордаги аминокислоталарга бойлигидир. Шунга ҳам таъқидлаш керакки, тухум бошқа озукалар билан тақослаганда, кўп миқдордаги витаминларга эга. Қисқичбақасимон Артемиянинг тухумлари кичик балиқчалар, қисқичбақалар, аквариум балиқлари учун биринчи даражали жуда тўйимли овқатдир.

Артемия кисталаридан эса паррандаларни боқишда фойдаланиш мумкин ва бройлер товуқ гуштининг биологик қийматини яхшилашга ёрдам

билан шугулланади. Артемияларнинг ўртача диаметри 235,5 микрометр бўлиб, микроскоп ёрдамида кўриш мумкин. Келтирилган хомашё махсус тайёрланган ҳовузга қўйилиб, белгиланган ҳароратда личинкалар пайдо қилинади. Шундан сўнг экспортга тайёрланади. Артемияни ёз ойлари миқ-

ди "Jasmine gold group" Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонаси иш юритувчиси Омонйўл Мамбетов.

ТАДБИРКОР — ТАДБИРЛИ, ТУРОНБАНК — КЎМАКЧИ

Фармацевтика, тиббиёт соҳасида артемия цистаси бойитилган озук маҳсулоти сифатида ҳам донг таратган. Уни эндокрин ва қон-томир тизими касалликларининг олдини олишда, ҳатто саратонга қарши дори сифатида қўланади. Артемия цистаси терининг иммунитетини табиий мухтақамлайди, атроф-муҳитдаги агрессив таъсирлардан ҳимоя қилади. Шу боис ушбу маҳсулот дунёда, асосан, ривожланган шарқ давлатларида косметология соҳасида бебаҳо неъмат ҳисобланади. Ушбу ноёб ва қимматбаҳо маҳсулотга бўлган талабнинг ортиси корхона фаолиятининг кенгайишига сабаб бўлмоқда.

АТБ "Туронбанк" эса тадбиркорнинг бу ташаббусига нисбатан ижобий муносабат билдириб, уни қўллаб-қув-

ватлашга киришди. Банк ажратган 1,3 миллион евро кредит эвазига ишбилармон артемия цистасини овлаш ва қайта ишлаш бўйича янги қувватларни ташкил этишда илгор технологияларни жорий этишга киришган. Ана шунда иш ўринлари сони юздан ошади. Энг муҳими, ҳозирда хомашё

ОРОЛДА АРТЕМИЯЛАР КАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Бу ерда ҳаммаи ўйлантирадиган бир савол тугилади: хўш, Орол денгизда артемиялар қаердан пайдо бўлган, қачон пайдо бўлган? Улар ҳақидаги илк маълумотлар 1980 йилларнинг охирида пайдо бўлган эди. 1990 йилларнинг ўрталарида эса артемиялар Орол денгизининг Ўзбекистон ҳудудларини эгаллаб бошлаган. Бунга денгизнинг жадал сурьатлар билан қуриб, сувда шўрланишининг ортиб бориши сабаб бўлган. Маълум бўлишича, улар тузлилик миқдори 100 грамм литрдан ошган сувда фаол ривожланади. Табиийки шўрланиш ортган сари денгиздаги бошқа жонотлар қирилади ва артемияларнинг кўпайишига замин яратади.

Бугунга кунга келиб, артемияларни овлаш учун фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари кун сайин ортиб бормоқда. 2009 йилда Оролда артемия овлайдиган битта корхона фаолият юритган бўлса, 2018 йилга келиб, уларнинг сони 23 тага етди ва 580 тоннага яқин маҳсулот йилгилди. Айни вақтда Орол денгизидagi артемия цистаси ресурсларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оқилона фойдаланиш чоралари кўрилмади. Хусусан, артемия цистасининг табиий ўсиш майдонларидан оқилона фойдаланган ҳолда уларни овлаш ва қайта ишлаш ҳажмлари бошқача-бошқича амалга оширилади. Бу эса Мўйноқ туманида артемия цистасини овлаш, қайта ишлаш тармоғини тақомиллаштириш ҳамда юқори сифатли артемия цистаси маҳсулотлари экспорти ҳажмини янада оширишда қўл келади.

ҲА, АЙТГАНДАЙ...


Мўйноқда бугун чиндан ҳам афсоналар ҳақиқатга айланмоқда. Бугун халқ бир мақсад йўлида жипслашган Оролбўйида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қолдирилади. Ва бу буюк ишлар, албатта, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев номи билан боғлиқдир.

Биз бугун бу соҳада янги куч ва янги умидлар билан фаолият олиб бораётган "Jasmine gold group" Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонасини ҳам, унинг изланишларига қанот бўлаётган АТБ "Туронбанк" қўлловларини ҳам астойдил мамнуният билан олқишлаймиз. Чунки, янгилик қидираётган кўнғилнинг салоҳиятига, таваққалига, умидларига "Ҳа, баракалла" дейиш ҳаммага эмас. Буни "Туронбанк" биринчилардан ва биринчи бўлиб айта олди. Қолганини эса мамлакатни, халқни янгиликлар сари чорлаётган ва бошлаётган эртанги кун айтади. Биз эса бу ишни холис қўллаб-қувватлаган банкка ва бу иш бошида турганларга Навоий ҳазратларининг "Умидим шулки, умиддинга етгил!" деган сатрлари билан эзгуликлар истаб қоламиз. Она Оролнинг мўъжизалари эса ўз қатигадаги мўъжизалари билан авлодларни лол қолдиришда давом этажак.

Гўзал МАТЁКУБОВА.

Реклама ҳуқуқи асосида.

Эслаб қололмадим гулнинг ҳидини



Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

КЎК КЎЙЛАКЛИ ҚИЗ
У юрғанда — йўллар чарогон,
қизилликка бурқаниб дала,
қадамдан бўлур машъала —
чарос кўзи мавжланган замон.

Ёнар эди ёноқлари ҳам...
Илак сочи қора қаймоқдай
елқасида товланган чоқда
ҳар юракка ташларди қадам.

Оқ навога ўйрилган хилқат,
у гул эди қизга айланган,
гойат нафис табассум билан
қараганда забт этарди қалб.

У адашди, алам беҳуда,
парчалади нозоҳ гурурин,
юлдуз нури дая ой нурун
гўё кўрди сувда — кўзгуда.

Рухим ичра термулар элас...
О, табиат, уйғотма уни,
сөөгимизни илк баҳор кунин
яшил тусда эса олсанг бас.

ҚАЙТИШ
Умрим гулин терувчи шодон,
мен сарҳайрат, завқлараст сайёҳ,
кўз — қуёшдан узилган шабнам,
қалб — кўксимга михланган фараҳ.

Сакраб ўтум қўлмаклар оша,
хув кенгликлар жилоланса шан,
булоқларга шивирларман боз:
фақат, фақат кенглик истаймэн.

Қўланкалар қочур ёнимдан,
мовийликка тутқунман асли,
ев вужудим шаффоф, зангори
ҳаво билан тўлиқ мутмасил.

Йўл юрарман куйлаб осуда,
ёришди тобора ичим —
чексизликлар ёйилмасида
ўз-ўзимга етмайди кучим.

Ёмонлик йўқ дунёда буткул,
узлигини англасанг аввал,
ҳар одамнинг кўксини курсанг
қалб ёқтудай ёнади ял-ял.

КЎЗЛАР
Бу дунёга келиб кўрмадим
қиз кўздан ортиқ сөхрич —
узр сўрар гўзаллигидан
тинч кўзлар қулиб мөҳрли.

Шундай кўзи — гўё кўзгудай,
қорачиққа илқис тик қараб
сувратингни томоша ҳам қил,
гар истансан сочингни тара...

Кимлигини айтиб беради
қорачиқлар — сокин ифода.
Ишонсан,
чунки кўзлардан
тинч нарса йўқдир дунёда.

ТОШ
Оқиб кетгиси келади тошнинг
балиқларга қўшилиб
енгил,
узоқ-узоқларга оқиб кетгиси.

Дарё
қаҳ-қаҳ отар
мовий ранг билан
ҳарсанг тошлар теварагида.

ТИНЧАИК
Дубулгани
гуптувек деб ўйлади
ниш отаётган уруғ.

Олпоқ орзулари ила
кўмилган жангчининг
қирмизи қонин эмиб кўкарди гуллар.

Энди ўша гуллар
ев мовий осмон оралигида
сукунатдан бошқа ҳеч нарса йўқдир.

КУМУШРАНГ ГУА
Кумушранг, момик гул тушимга кирди,
алвон уфқдан сурғилиб тушди,
алвон уфқда йўқ эди туман.

Энг майда гўёҳача
акс этди тушимда.
Тонггача яшади момик гул...
оҳ, эслаб қололмадим гулнинг ҳидини.

ТЕРАККА ЯҚИН ЮЛДУЗ
Бошқа юлдузлар-ла иши йўқ унинг,
уни чорлаётми ягона юлдуз,
юлдуз — дарахтисиз кумуш бир мөва,
у теракники бўлар бир кун —
терақ ўсаверса юлдузга қараб.

Ярим йўлда қолиб кетди гужум ҳам,
дарахтларнинг энг дарозини — терак
кун сайин ўсади юлдузга қараб.

Юлдуз... мөвагин билармикан у,
зумрад яроқчалар кўкиш нурига
чамбарчас болганиб оқ, олпоқ шуъла
юлдуз силжирмикан бир кун ўрнидан?

...“Ҳозир юлдуз учди” деган хабарга
терақ ишонади ҳаммадан кўпроқ.

ФИРА-ШИРАЛИҚДА
Ёқут гуллар бош эгиб нафис,
ҳамон сўзлар — бийрон шивирин
эшитилмас шабадалиқда.

Вақт шамол кўксини йўнағ
кўпни кўрган донишманд мисол
ҳарсангтошлар гўлдирар ҳамон

Кўк тубида бинафша ранги
қуюқлашиб қора ранг билан
юлиб олар қуёшнинг тилин.

Фира-шира тун тигида жим
тил сўради мендан теварак.

**ДЕРАЗА ПАРДАСИ
ЯШИЛАНМОҚДА**

Дераза пардаси яшилланмоқда
ойнадан тушмоқда ям-яшил шафақ
қарана истёфозга чиқибди буғун
қуёшда қизил ранг чарчаб ниҳоят
яшил қуёш кўтарилар энди уфқдан
бу дарахтга қаранг таажжуб
яроғи қоғоздай оқ ва йилтироқ
бахор қаергадир гойиб бўлибди
ўрнин эгаллабди қандайдир фасл
ана тепалиқда тунука дарахт
барг ёзиб дафъатан ўса бошлади
фақат ўз шаклида кечиккан қушлар
йилтироқ дарахтга келиб қўнишибди
тунука дарахтининг илдизларида
бақрайиб қотиб қолди қуртбоши
бир лаҳза тин олди бошқа қуртлар ҳам
кейин эса бир думалаб бу тўда
кумуш қуртлар тўдасига айланиб қолди
қоронғи ер остида
илдизларнинг учқунни каби.

Ташқарига чиққин
сени қуршаб олди бошқача ҳаво
юрақдан ташқарига чиққинг дийдираб

излаган нарсангни топмайсан
хасга ёпишсан шуъламикан деб
зерикиш ҳидини туюсан қаттиқ

бу ҳид ўлдирди сени бир кунин
тамаки чекасан
қулранг шу тупунга кийнасан ниҳоят

ев кўрасан тунд қиёфаларни
ҳаммаси бир чиқиб
қайта уясини тополмаган қуёнлар каби
бозовта

қулранг кўйлак сўрайди улар
берасан
дийдираб кетасан дафъатан.

Муаллиф ҳақида:
Баҳром Рўзимухаммад —
1961 йилда Шовот туманида туғилган.
1983 йилда Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги
ЎзМУ)нинг журналистика факультетини татомлаган.
“Тоғушис қадам”, “Теракка яқин юлдуз”, “Икки нур”,
“Давсаман”, “Тинч гуллайдиган дарахт”, “Кундуз
сарҳадлари”, “Соғлар суҳбатини”, рус тилида “Звезда над
тополями”, “Последняя ночь ангела” номли шеърлий
тўпламлари эълон қилинган. Шеърлари турк, озарбай-
жон, туркман, қорақалпоқ, инглиз, немис, француз, испан, ас-
сам тилларида ўзгаришган.
Шоирнинг “Ich habe mein Selbst vergessen” (“Мен ўзимни
унутдим”) номли шеърлар
тўплами 2013 йилда Германиянинг “Leipzig
Literaturverlag” (“Лейпциг адабиёт нашриёти”) нашриётида
ўзбек ва немис тилларида чоп қилинган.

Йиғига ўхшаб
хўнраб йиғлаганига ўхшаб аёлнинг
өлгиз от келмоқда сояси ул-узун
қумурсқалар илма-тешик кўзида
уваилиб-уваилиб устихони
ўрмалаб келмоқда өлгиз от
асрлардан асрларга қувдилар
ўз жисмидан қувгин бўлди у
руҳи учқун каби сачраб кетди ҳам
ўрмалаб-ўрмалаб
өлгиз от келмоқда
муҳими оёқда туриб билади
йиғлаб билмайди леккин
армонга ўхшаб
узун бир армонга ўхшаб
бизнинг ёнимиздан ўтиб кетди от
ўтиб кетди қайсар бир чарқоқ.



Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ

ТЎНГИЧ БОТИР



Муаллиф ҳақида:
Алишер Файзуллаев — 1988 йилда
Навоийда туғилган. ЎзМУ
журналистика факультетини
татомлаган. Уильям Сарояннинг
ҳикоялар тўпламини, Потин
Америкаси адабиёти намуналарини
таржима қилган. “O zbekiston” нашри-
ётида ишлади. “Соясини боққан киши”
деб номланган таржима китоби нашр
таёрланмоқда.

**1. БОЛАЛИК —
СОКИН ХОТИРА**
Болалигим ёмон ўтмаган. Пой-
такт-виллот йўналишдаги транс-
портларни кутиш билан ўтди у. Қиш-
логимда мени “қуруқ” дейишса,
шаҳарлик болалар учун “қишлоқ”
эдим. Ана шундай “туяқуш” ҳисобла-
нарди биз кабилар. Шунинг учунми,
“дом”имиз болалари бошқаларга қў-
шилмас, алоҳида ўйнардик. Дарвоқе,
биз яшайдиган кўп қаватли уйнинг
фарқи ҳам шу, у виллотлик истёв-
додлар оилалари учун атай қурил-
ган.
Менга у қиз ёқармиди? Билмай-
ман. Аммо бобом унинг қайсидир фа-
зилатини кўра билган, доим “Шу қизни
сенга олиб бераман”, дерди. Бир са-
фар икковимизни бозорга олиб бор-
гани, музқаймоқ олиб бергани ёдимда.
Мана, орадан кўп йиллар ўтди, бобом
вафот этганига ҳам анча бўлган. Қиз
эса мактабни тугатибқо қишлоғига а-
затилиб кетди.
Ҳали боламиз. Кимнингдир туғил-
ган кунини йиғилгандик. Овақтлан-
ганмиз, дунёни унутиб ўйнар, уйин-
чоқларга ўзимизча жон бахш этардик.
Ушанда у уйга айланган емак столи
остида менга “муҳим” гапларни айта
кетган: мактаб, дугоналарининг гайри-
лиги, яқинда қўшни уйга кўчиб келган
Анвар... У сўздан ҳеч тўхтамас, ора-
сира кўзларимга қараб юзига тушган
тим қора сочини қўли билан қулоғи
ортига ўтказиб қўярди. Ниҳоят, мени
яқини кўришини ҳам қўстириб ўтди. Бу
болаларча хаёл, кўр-кўрона қайтарик,
беғубор иштиқдан ўзга нарса эмасди.
Нима бўлганда ҳам, шундай воқеалар
хотирада бутун умр сақланиб қолар-
кан.
Мана у — қаршимда, ёзув столида
дафтарга кўмилиб нимадир қорала-
пти. Мени пайқайди чоғи, кўзларини
дафтардан узиб менга тикиди. Энди эъ-
тибор қилибман, у боласинингми, ука-
синингми уй вазифасини бажариб бе-
раётган экан. Унга ҳалақит бермаслик
учун бошқа хонага чиқдим.

2. ҒАЛАТИ ЎСИМЛИК
Бу хона худди ўзимникидек: 3 га 4.
Аммо ичидаги жиҳозлар бошқача, ки-
раверинда тизилган шакф хонани ки-
чиқроқ кўрсатар, ўртада эса икки ки-
шилик ётоқ бор ва унда... чалқанча ёт-
ган укамни кўрдим...
Укамнинг сўнгги кунларини яхши
эсламан, жуда нозиклашиб қолган,
ҳеч қаерга ўнгарилмай ётар, сал кўп
тегиши ҳам жонига азоб берарди. Су-
якларни мўртлашиб оёғи синди, бир
тарофга ётаверганидан танасини
ётоққара илма-тешик қилиб ташлаган,
ҳеч битмасди. Ота-онам ундан кам
азобланмас, дадам дардини ичига
ютар, онам тез-тез йиғлаб олар, баъ-
зан Худодан унинг жонини оғритмай
олишини сўрарди. Синглим акасига
мехрибон, мен эса укамнинг кўзларига
қарай олмасдим. Унинг кўзлари... ни-
мадир демоқчи, сўрамоқчидек илти-
жоли тикиларди. Уйда бошқа биров
қолмаган пайт унинг қилиб башлаган,
гапирар, жавоб қайтарди деб ишонар-
дим. У индамасди, шифта тикилиб
ётаверарди... Мен эса йиғлагудек бў-
либ хонадан чиқиб кетардим.
У 18 да эди. Янги телефон олган,
дуч келган нарсани расмага тушириб
юрган пайтларим. Синглим укамни су-
ратта олишини сўради. Олдим. Ора-
дан уч кун ўтиб укам 18 йиллик дард-
дан фориғ бўлди.
Бозорда ишлардим. Яқшанба,
тонгги саккизлар. Отам кўнгирик
қилди. “Ўғлим, укамнинг мазаси йўқ,
Уйга тез қайт!” Унинг овози титрар,
жуذا заиф, дардчан эшитилди. Кўн-
глимни хавотир чулғади. Ярим соат-
ларда ишимни тугатиб уйга чопдим.
Йўлақда отам турарди. “Укамдан ай-
рилиб қолдик, болам...” Худди ҳиқчоқ
туттандек ўзимни тўхтата олмас, йиғи
бўғзимдан отилиб чиқарди.
У бутун танаси билан юқорига
интиляпти. Уми ётоқда ўтган, жилла
қурса ҳозир ётоқдан кўтарилмоқчидек
илтиқили тикилди. Уни кўтариб ётоқ
тепасидаги аргамчига ётқиздим. Укам
жилмайди, сўнг шарпадек йўқолди.

3. АЛВИДО УМИДЛАР...
Илгари бундай жойни кўрмаганман:
қатор дўлана-но бодомлар умидвор
кўкка кўз тикланган, пастдаги яйловда от
уюри ўтлаб юрибди, қорироқда эса бу-
лоқ, сув ўзига йўл очаркан, бечора адир
юзюда чандиқ қолдирган. Осмонда Бо-
боқуёш барчага бирдек меҳр улашади.
Мусичани ёдга солувчи кўккарга ва қал-
дирғочлар самони тўлдирган.

4. ПОЙГА
Мен қочдим, ортимдан эса шафқатсиз
опомон қуварди. Орқага қарайман: аёл-
эркак орасида болалар жан бор, балки
улар воқеа охирига, қонли ниҳояга қи-
зиқашётгандир?!

КЎНГИЛ БИТИКЛАРИ
**Бахт —
узоқ-узоқларда
эмас**
Бахтигимдан ёлғонга ўрганган-
дим, баъзан гуноҳимни яшириш учун,
баъзида нимагадир эришмоқ учун.
Кейинчалик бу руҳимга сингиб кетди,
ҳар гагим ёлғонга айланиб бора-
верди. Ва ниҳоят, атрофимдагилар
менга ишонмайдиган даражага “эриш-
дим”. Рост сўзини ҳимоя қила олма-
ган пайтлар қаттиқ жаҳлим чиқар, гўё
бунга ёнимдагилар айбдордек тую-
ларди. Асл айбдор — ўзим. Мана бу
оломон-чи, у нима истайди? Нега кўзи
қонга тўлиб мени кувади? Кимга қан-
дай озор бердимки, бу қадар дарга-
заблар? Наҳот, мени ўлдиришни ўй-
лашапти?!
Шовқиндан уюр ҳам хуркиб кетди
чоғи, борган сари тўёқ товуши яқин-
лашиб, отлар пайдо бўлди. Улар ҳам
мен каби анави аёвсиз ва бешафқат
одамзотдан қочяпти. Ёнимда югуриб
бораётган бир бўз от худди елкамга
чиқ, дегандек бошини силкиб-силки-
киб қўйди. Мен учун бу тулпор қутқар-
ув кемаксидек эди, ўйлаб ҳам ўтир-
май унинг ёлғи ёйишдим. Кўп ўтмай
атрофим буткул ўзгарди, мен тулпор-
нинг қордек оқ бўйиндан қучганча
олдинга интилар, лочиндек учардим.
Қулгимга далда қичқирдиқлари эши-
тилди: “Бўлақол”, “Яна озгина қолди...
Бўлашмай”, “Сен удалайсан, ўғлим!”
Ва мен... қандайдир маррани кесиб
ўтдим. Ён-верим гулга тўлган, қарсақ-
у олқиш овози оламни босган, қарнай-
лардан эса мен ва яна икки йигитнинг
пойгада пешқадамлик қилиб, юрт ша-
рафини ҳимоя қилгани, фарзандлик
бурчини оқлагани баралла айтиларди.
Бўз отдан тушдим, орта қардим. Ҳа-
лиги йигитлар анча ёш, бири қора,
бири малла отни етаклаб менга эргаш-
моқда. Олдимиздан гул тутган оломон
пешвоз чиқди.
5. МЕН ТЎНГИЧ БОТИРМАН!
Одамлар орасидан бир бола ажра-
либ чиқиб, менга аллақандай кўкрак
нишонни тақиб қўйди. Ҳавас билан қа-
ради, нигоҳида орумандлик, хаёлла-
рестлик балқиб турибди. Қўлимни қи-
сиб қўйиб, дарҳол четга ўтди. Ортдан
ўрта ёшлардаги киши (кўринишдан
каттароқ мансабдорга ўхшайди) чиқиб
келди, табриқлаб елкамга қўлини
ташлади, кейин аллақандай тувлик бил-
лан деди:
— Сен ким эдинг?!

— Мен Тўнғич Ботирман...
Беихтиёр оғзимдан чиқиб кет-
ганди бу. Ёдимга укаларим тушиб,
такрор айтдим:
— Ёлғиз қолган Тўнғич Ботирман!
Бу қадар оғир уйғонмагандим. Қу-
логимдан елкамга игна санчилгандек
симиллаб олган, бутун танам терга бот-
ган, томоғим қақраб, юрагим қафсадаги
қуш каби питирлар, онгимда эса бир
нарса айланаверарди: “Мен Тўнғич бо-
тирман! Тўнғич Ботирман...”

Бахт —
узоқ-узоқларда
эмас
Яхшиликнинг муаллифи битта
бўлмайди. Ҳар бир инсон яратган
яхшилик ўзича бетакрор асар бў-
либ, хотиралар мулкига айлана-
веради.
Харидори чиқмас — гуллар
ҳам ғариб...
Агар биз қомил инсон бўлгани-
мизда эди, таянган кишиларимиз
бу қадар қонқўрлик қилмасди.
Баъзилар одамгарчиликни ўзла-
рича тушунадил: уларнинг наздида
сиз хизматкорсиз ва уларнинг
ишини, вазифангизга кирса-қир-
мас, бажаришга мажбурсиз.
Бундайларга қилинган одамгар-
чилик ҳайф кетади. Шунга қара-
масдан, ҳалқимизнинг «Яхшилик
қил, дарёга от...», деган сўзларини
унутмасак, бўлган.
Экин экилган ер чироғли кўри-
нади...
Пулга сажда қилган одамлар
учун санъат асарини, ҳатто жан-
натнинг тасвири ҳам қийматсиз.
Қонун ҳўжа кўрсин учун мав-
жуд жойда бошини тошага ур,
у қонайди ва сўнг яхши ишлаб ке-
тади...
Одам мияси — бюрократ учун
озиқ. Елкага миниб олиб инсон
мияси билан озиқланадиган мав-
жудотлар ҳақидаги афсона бежиз
эмас экан.
Айтишларича, бир замонларда
кўрлар узоқ яшаганлар, чунки улар
замондошлари содир этаётган қа-
боҳатларни кўрмаганлар.
Яна бир замонларда қарлар
узоқ яшаганлар, зеро, улар за-
мондошлари озқидан чиқаётган
тубан сўзларни эшитмаганлар.
Биз бахт излаб узоқ-узоқларга
кетамиз. Аслида у оёғимиз ости-
даги бир сиқим тупроқда, Ватан
тупроғида муҳимасан бўлади у.
Биз бундан қўлчино жуда кеч англаб
етамиз... Жуда кеч...
Бозор Илбс ал-АМИН.

ЎЗЛИК



Бир донишманд: "Дунёда энг гўзал инсон — озоод инсондир", деган экан. Тарихдан маълумки, жамики жангу жадаллар халқнинг эркинлигини, мамлакат мустақиллигини тортиб олиш ёки асраб қолиш учун олиб борилган. Аслида ҳам одамзотнинг, халқнинг қадру қиймати унинг нечоғли озоод экани билан ўлчанади.

"...Ки сен ҳам хур туғулғонсен"

Ривоят қилишларича, "Хун давлатининг асосчиси Мете хонга Татар ҳоқони ҳужум қилиш учун баҳона излаб, унинг севикли отини беришни талаб қилади. Йўқса, мулкига бостириб боришни айтади. Бу от шунчалик машхур эдики, минг фарсах йўлни қийналмай чопа оларди. Мете ватандошларини уруш мусибатига солимаслик учун отини татар ҳоқонига бериб юборади. Ҳоқон қарасаки, уруш бўлмади. Бу билан тинчимади. Кейинги сафар у Метенинг энг суюкли хотинини сўрайди. Беклар қурултойда ҳондан уруш эълон қилишни талаб қилсалар-да, Мете уларга "Мен Ватанимни ўз муҳаббатим ўғрисига алиштирмайман", деб севгилисини ҳам душманларга бериб юборади.

Орадан маълум вақт ўтиб, татар ҳоқони Хун ўлкасининг ҳосилсиз, зироатсиз, ўрмонсиз, маъдансиз, аҳолисиз бир парча қисмини талаб қилади. Қурултойга тўпланганлар қаровсиз ер кераксиз эканини айтиб, бериб юбориш мумкинлигини айтишади, аммо оқил, доно, ватанпарвар Мете: "Ватан бизнинг молимиз эмасдир, мазорда ётган оталаримизнинг, қиёматга қадар туғиладиган авлодларимизнинг бу ерда ҳақиқ боддир. Ватандан бир қарч бўлсин ер бермакка ҳеч кимда ҳуқуқ йўқдир. Демак, энди уруш этакжамиз", дейди. Жанговар қўшини билан душманга қарши ҳужум қилади. Уруш эрмаги бўлган ҳоқон эса ўз лашкари билан қўриқиб қочиб кетади. Шу тарихга Мете ватан турпоғини душмандан ҳимоя қилади, ганимга она юртини топтатмайди...

Ҳақиқат рост, бу дунёда Ватан озодлиги, ҳурлиги, эркинлигидан-да қадрироқ неъмат йўқ. Ҳар гал пойтахтимиздаги "Шахидлар хотираси" хиёбонига борганимда шонли ўтмишимиз, тарихимиз, Ватанимиз озодлиги йўлида олиб борилган курашлар, аждодларимизнинг кўрсатган жасорат ва матонатни бир сабоқ бўлиб кўз олдимда гавдалангандек бўлади.

Имгитликнинг ўт паллаларида тафаккур ва қалб ҳурлигининг ёрқин намуналарини яратган Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби улғу ёшда аҳли, Беҳбудий, Фитрат сингари маърифатпарвар боболаримиз ҳам мана шу халқнинг эрки учун курашиб, шу йўлда мардларча жон беришган.

Абдулла Қодирийнинг 1926 йил 16 июнь Самарқандда судда сўзлаган нутқидаги қуйидаги сўзлардан ҳам англаб оласан бўладики, бу халқнинг озодлиги, ҳурлиги, келажаги, дорилмагон эртасини ўша даврларда кўпчилик қабул қила олишмаган.

"Сўзим охирида одил судлардан сўрайман: гарчи мен турлик бўлган, шахсият ва сохталар билан, ҳам англашилмовчиликлар орқасида, иккинчи оқланмайдурган бўлиб қораландим. Лоақал уларнинг, қораловчи қора кўзларнинг кўнали учун бўлса ҳам, менга энг олий бўлган жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси губороти, тескарчилик мақсади бўлмагон содда, гўл, виждонлик йўлганга бу қадар хўрликдан ўлим тансиққодир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир. Одил судлардан мен шуну кутаман ва шуну сўрайман".

Ҳа, тарих шохид, кимларгадир бош эгиш аждодларимизга хос ҳислат эмас. Туғилиб ўсган тулпроғинда душманга қарам бўлиб, ота-онандан, жигарлардан воз кечиб, "даҳо" бўлиш, қўлга кишан кийиш "фахр" эмас. Бу заминнинг ҳар қарч ери, йилда тўрт фасли ўз вақтида аллашмай турадиган гўзал табиати, бешиқларида она алласи билан улғайган ўлгонлар вояга етган муқаддас тулпроқ, қўш янгли ширмой нонлар тобланган тандири-ю, қўлларида кетмон, белбоғида бир бурда нони билан авайлаб, серҳосил ер — боболардан қолган омонатни асраш, келажак авлодга бекаму кўст етказиш ҳам фарз, ҳам қарзимиз.

Зеро, атоқли шоир Чўлпон таъбири билан айтганидек: "Кишан кийма, бўйин эгма, Ки сен ҳам хур туғулғонсен".

Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ.

ЭЪЛОН!
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, "Тўртзор-7" проезд-ида истиқомат қилувчи 1-гурӯх ногирони Дадабаев Исроиил Сатибалдиевичга берилган имтиёзли йўл чиптаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.


ЎГОҲЛИК

Коронавирус пандемияси дунё давлатлари иқтисодига катта зиён келтирди. Одамларнинг моддий ва маънавий турмушига салбий таъсир кўрсатди. Шундай экан, бу балонинг нечоғли кучга эга эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Албатта, вақт ўтиб иқтисодиётни, моддий ва маънавий турмушни тикласа бўлар, аммо сабил кетган умри-чи, афсуски, бевақт хазон бўлгачларни энди ҳаётга қайтариб бўлмайди...

ИРОДАЛИ БЎЛМОҚҚА БУРЧЛИМИЗ

Коронавирусга қарши қатъий чора-тадбирлар қўлланаётган бир паллада кўча-кўйда ниқобсиз юрган, ижтимоий масофа сақламаётган юртдошларимизга таъна қилсак биздан хафа бўлишмас... Ярим тунда миллий гвардия ва ички ишлар бўлими ходимлари томонидан карантин қоидаларини бузганликларини учун чора кўрилатганлар айбни аввало, ўзларидан қидиришса яхши бўларди. Ахир кўзга кўринмас ёв, яъни коронавирус балоси тинчлигимизни ҳали-ҳамон бузмоқда. Кўчаларда бамайлихотир сайр қилиб унга қарши курашиб бўлмайди. Бошқача айтганда, ҳаракатсиз ният қилишнинг ўзи ақлга тўғри келмайди. Коронавирусдан халос бўлишни истасак, унга қарши биргалликда курашмоғимиз шарт.

Яқинда маҳалламизда галати "можаро"га гувоҳ бўлдим. Дарвозаси олдида салқинлаб ўтирган бобога набираси хархаша қиялпти: "Боққа олиб борасиз, ҳалинчақда учаман! Узингиз тўрт марта ухлаганингдан кейин борамиз дегандингиз-ку!" Можаро анчага чўзилди ва уч-тўрт ёшдаги боланинг хархашаси ростманга йиғига айланди. Иложсизликдан хунуби ошган бобо "Бўжи кетсин, олиб бораман, болам! Мен хохламасдим шунини!" — деди. Очиғи, болага ҳам, бобога ҳам раҳим келди. "Бўжи" — коронавируска лаънат ўқидим. Сездимки, боланинг беғубор қалбини эҳтиётлаган бобо ҳам ичида "бўжи"ни аямая сўқди.



Юқоридаги мўлоҳазаларни ёзар эканман, беихтиёр хассос ижодкор Мақсуд Шайхзоданинг "Кураш нечун?" номли шеъри ёдимга тушди:

Зафарнинг нашъасин тотиган эрлар:
"Сулҳ десанг, урушда энгиб чик", дерлар.
Бу кураш ҳаётнинг қонуни учун,
Бу — чорак асрнинг яқини учун...
...Эртанинг иқболи кечадан базур.

Бу кундан кечамас эрта туғилур.
Булут сундирилмас ёруғ кунбуна,
Шапарақ тўсолмас олтин юлдузини...
Зафарнинг нашъасин тотиган эрлар:
"Эрк десанг, урушда энгиб чик", дерлар!

Бугун дунё бўйлаб коронавируска қарши чинакам уруш бормоқда. Набираси соя-салқин ёгда эмин-эркин ўйнамоғи учун ўша бобо, ишончим комилки, коронавируска қарши курашаётганлар сафида бўлишга шай. Зеро, оғир дамларда ўзини қўлга олмоқ ва бутун куч-қудрати ила қад ростламоқ — халқимизга хос қадрият.

Бугун карантин тадбирлари қатъий, ниқоб тақиш ва ижтимоий масофа сақлаш мажбурий. Тўғри, бунга барча ҳам бардош беравермайди ёки бардош беришни истамайди. Орамизда иродаси бўш одамлар ҳам топилади. Лекин унутмайликки, "Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим". Вақтинчалик фароғат деб наинки ўзимизни, балки бошқаларни ҳам ҳавф-хатарга қўймайлик. Демак, ҳозир ҳам биримиз иродали бўлмоққа бурчлимиз! Ирода — бугун коронавируска қарши кураш жараёнида эзгулик байроғи бўлмоғи керак. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисраларини юртдошларимизга ибрат қилиб кўрсатсак хато бўлмайди:

Неларни кўрмагай инсоннинг боши,
Неча бор қоврилиб, тирилган жаҳон.
Барига етарқан сабру бардоши,
Демак, иродадан яралган инсон.

Раҳимжон ИРИСОВ,
Наманган вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи.

ҚИЛМИШ

Одамнинг оёғи бир тоймасин экан-да, кейин ўзини ўнглаши қийин кечади. Шохрух Исроилов ҳам биллиб-билмай ноҳўя қадам босанлардан. Шундан сўнгра, оёғи кўп бора тойишга ўрганиб қолди...

У Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг турли моддалари билан уч марта судланиб, тегишли жазо олган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмайди. Навбатдаги "хўрмача" қилиги эса бир одамнинг ҳаётига зомин бўлди...

ҲАЁТНИ ЎЙИН ДЕБ БИЛГАНЛАР

Шохрух Марғилон — шаҳар Тиббиёт бирлашмасида ишларди. Маоши камлиги сабабли, ишдан бўш пайтларида Фарғона шаҳри, А.Қодирий кўчасида жойлашган мардикор бозоридagi таниши Исмоил Рўзиматов билан шерик бўлиб, одамларнинг турли юмушини бажариб юрарди.

Мардикорликдан орттирган уч-тўрт сўм пулини жамғариб қўйганди. Шу пулга бозордан 5 та курка паррандасини сотиб олди. Аммо уларни ўз уйда боққиси келмади, олис-дагиларга ишонмади шекилли, Фарғона шаҳридаги таниши Рўзимат Мамадалиев хонадонидан боқа бошлади. Ҳафтада икки марта дон-дун олиб бериб, бирийўла паррандалардан хабар олиб турди.

Кўнларнинг бирида таниши Исмоил Ҳалимов билан спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтиришганда, Рўзимат Мамадалиев унга кўнгироқ қилиб, турмуш ўртоғи билан қайнонасиникига боришини, у ерда ётиб қолаётгани боис, уйда ҳеч ким бўлмаслигини айтиб қолди. Бу гап-сўзлардан Исмоил хабар топди...

Эртаси кун Рўзимат уйига келгач, боқилаётган 5 та куркадан 4 таси йўқлигини кўриб, аввалига капалаги учиб, дойдираб қолди. Ахир, парранда бирорнинг омонати эди-да. Балки у йўғида Шохрух келиб олиб кетдики, деган уйда унга кўнгироқ қилди. Шохрухнинг курка йўқолганидан мутлақо хабари йўқ эди. Хаёлига дарров Исмоил келди. Чунки у: "семизми-ориқми", деб сўраган эди. Шохрух шубҳа-ғумон ичида қолди. Аслида куркаларни байрамолди яхшигина пулга сотмоқчи эди. У билан юзма-юз гаплашиш учун Рўзимат билан бирга Исмоилнинг уйига келишди. Уларни Исмоилнинг онаси кўтиб олди ва ўғлининг бу тун уйига келмаганини айтди...

Шубҳаси ўрилдики ва куркаларни ўғирлаган одам айнан Исмоил эканига ишонч ҳосил қилган Шохрух Исмоилни ахтара бошлади.

Шохрух-турмуш ўртоғи За-рифа билан бозорлик қилиш мақсадида Фарғона деҳқон бозорига келишди. Шу пайт, таниши Исмоил Рўзиматнинг телефонидан кўнгироқ қилиб, нима сабабдан уйига борганини сўради. Ўзи Рўзиматнинг уйда эканини айтди.

Шохрух кела солиб уни: "Нега куркаларини ўғирладинг?!" — дея қистовга олди. Дастлаб, ўғирлик қилганидан тонган Исмоил, ичган ароғи таъсириданми, балангдан келди: "Куркаларини мен олдим, сотиб ҳам юбордим. Нима дейсан? Қўлингдан нима ҳам келарди?!" — деди. Бу гап Шохрухнинг нафсониятига теғди.

Ичидан қайнаб келаётган жаҳлини босолмаган Шохрухнинг кўзи ҳовлидаги сўри устида турган ошхона пичоғига тушди. Аввалига, Исмоилни қўриқтиб, куркаларнинг сотилган пулини олмоқчи бўлди. Аммо қалтис ҳаракат сабаб, у пичоғи Исмоилнинг чап биқинига санчиб қўйди...

Шундагина қилмишини англаган Шохрух Рўзиматга теғда тақси қақришни буюрди. Воқеадан қараётган келтирилган танишлар биқинидан тўхтамай қон қаётган Исмоилни, аввал жараҳатини кўрсатиш учун, Шохрухнинг қайнонасиникига олиб боришади.



Жараҳатнинг жиддий эканини кўрган қайнона зудлик билан "Тез ёрдам"га кўнгироқ қилади...

Аммо кўп қон йўқотгани сабаб, Исмоил соат 16:20 ларда шифохонага олиб кетилганди, "Тез ёрдам" машинасида вафот этди...

Жаҳлига эрк берган Шохрух қотилга айланди. Суднинг қора курсиси ва яна 8 йилга тўрт девори бетон бўлган панжара ичидаги ҳаёт... Бу унинг тўртинчи марта қамалиши.

Бундан ташқари, судга жабрланувчининг вақилиси Д.Рўзиматова 15.000.000 сўм маънавий зарар ундириш

ҳақида даъво аризаси киритди. Чунки, Исмоил Ҳалимов оилада ягона боқувчи бўлган ва жиноят оқибатида унинг вояга етмаган фарзанди боқувчисиз қолган эди. Суд оилавий шароитини инобатга олиб, судланувчи Ш.Исроиловдан жабрланувчи фойдасига 15.000.000 сўм маънавий зарар ундиришни лозим топди.

И.Ҳалимовнинг курка ўғирлагани рост, аммо у омонатини топширди. 4 бош куркани деб уни пичоқлаб қўйган Шохрух эса албатта, тегишли жазони

ўтайдиган бўлди. Ҳаётда нималар бўлмайди-е, дейишингиз мумкин. Лекин ўйлаб кўринг, юқоридаги жиноят тафсилотини кўздан кечириб, шу қадар ҳам майда-кашлик, пасткашлик бўлишига ҳайрон қолсан, киши.

Бугун товуқ ўғирлаш, курка ўғирлашдек пасткашликка қўл урган бу "майда кимсалар"дан нима ҳам қутиш мумкин?

Ферузaxon СИДДИҚОВА,
жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди судьяси.
Маъруфа СОЛИЕВА,
"Hurriyat" мухбири.

ТАФАККУР

Энг кўрқинчли пайтларда ҳам умидингни узма

Ҳар қандай қуш ўз уясига қараб парвоз қилади, инсон эса юксакликларга ўз ҳайратини, ҳиммати билан эришади.
Жалолиддин РУМИЙ

Ҳар доим ўз фойдасини кўзлайдиган инсон тез душман топади.
КОНФУЦИЙ

Энг кўрқинчли пайтларда ҳам умидингни узма, ёдда тутки, бу илмларнинг энг тотлиси дир.
Саъдий ШЕРОЗИЙ

Пасткаш инсонларга яхшилик қилиш денгизга сув ташишга ўхшайди.
СЕРВАНТЕС

Бирон нарсани яхши бошладингми, демак, йўлнинг ярмидасан.
ПЛАТОН

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.



Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Алади: 3732
Буюртма — Г-965

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5 6

Топшириш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22⁰⁰



Обуна индекси:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 237

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Х.Қодиров. Мусаҳҳиж: Ш.Убайдуллаева.

"Шарқ" НМАК босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.